



221200, Ўзбекистон Республикаси, Хоразм вилояти, Янгибозор тумани, Навбахор кўчаси 2-уй.

2020 йил "30" \_\_\_\_\_

№ 1019

Янгибозор шаҳарчаси

Янгибозор туманидаги кам таъминланган аҳолининг, иш билан банд бўлмаган ёшлар ва хотин-қизларнинг даромадларини ошириш мақсадида Оёқдўрман қишлоғи ҳудудидан "ANVAR XAYOT XURSAND" ишлаб чиқариш кооперативига ер майдони ажратиб бериш тўғрисида

"ANVAR XAYOT XURSAND" ишлаб чиқариш кооперативи раҳбари А.Юлдошевнинг туман ҳокими номига Янгибозор туманининг "Халқобод" маҳалласидаги кам таъминланган аҳолининг, иш билан банд бўлмаган ёшлар ва хотин-қизларнинг даромадларини ошириш мақсадида ер майдони ажратиб беришни сўраб ёзган аризасини кўриб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев раҳбарлигида ўтказилган 2019 йил 5 ноябрдаги 48-сонли "Республикада мева-сабзавотчилик тармоғини янада ривожлантириш ва аҳоли томорқаларидан самарали фойдаланишни таъминлаш бўйича белгиланган устувор вазифалар тўғрисида"ги селектор йиғилиши баёни ҳамда "Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида"ги 2019 йил 23 октябрдаги ПФ-5853-сонли фармойиши ижросини таъминлаш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси "Ер кодекси"нинг 6, 46-моддалари, "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги қонунининг 6, 10, 25-моддаларига асосан

### ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Янгибозор туманининг "Халқобод" маҳалласи ҳудудидан "ANVAR XAYOT XURSAND" ишлаб чиқариш кооперативи раҳбари А.Юлдошевнинг Оёқдўрман қишлоғининг "Халқобод" маҳалласидаги кам таъминланган аҳолининг, иш билан банд бўлмаган ёшлар ва хотин-қизларнинг даромадларини ошириш мақсадида ер майдони ажратиб берилишини сўраб туман ҳокими номига ёзган хати асос учун қабул қилинсин.
2. "ANVAR XAYOT XURSAND" ишлаб чиқариш кооперативига туман ҳокимлиги захира ер фондида турган Оёқдўрман қишлоғининг 666к, 665, 704-контурларидаги умумий ер майдони 9,1 гектар, шундан суғориладиган экин ер майдони 9,0 гектар, ариқ ва зовурлар 0,1 гектардан иборат ер майдони 10 (ўн) йил муддатга ижарага ажратиб берилсин.

3.Туман ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими (Р.Рахимов)га мазкур қарор қабул қилиниши муносабати билан миллий давлат ер ҳисоботиға тегишли ўзгарттиришлар киритиш ва ижара шартномаси тузиш вазифаси топширилсин.

4.Туман давлат Солиқ инспекцияси (А.Ўразбоев)га ажратиб берилган ер майдонидан тўланадиган солиқ миқдорини белгилаш ва ундириб бориш вазифаси юклатилсин.

5.Туман Статистика бўлими (Б.Артиқбоев)га статистик ҳисоботларни қабул қилиш ва умумлаштириш вазифаси топширилсин.

6. “ANVAR XAYOT XURSAND” ишлаб чиқариш кооперативи раҳбари А.Юлдошевга:

-ажратиб берилган 9,1 гектар ер майдонидан белгиланган мақсадда оқилона фойдаланиш, тупроқ унумдорлигини ошириб бориш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштирилишини ташкил этиш;


-“Халқобод” маҳалласидаги кам таъминланган аҳолининг, иш билан банд бўлмаган ёшлар ва хотин-қизлардан жами 30 нафар фуқароларни кооператив аъзолигиға қабул қилиш;

-ер ижара шартномасини тузиш, тегишли ташкилотларға ҳисоботларни ўз вақтида топшириш вазифалари юклатилсин.

7. Ушбу қарорнинг тасдиғини Халқ депутатлари туман Кенгашининг навбатдаги сессиясидан ва вилоят ҳокимлиғидан сўралсин.

8. Мазкур қарор ижросини назорат қилиш туман ҳокимининг биринчи ўринбосари Ж.Халметов ва туман ҳокимининг қишлоқ ва сув хўжалиги масалалари бўйича ўринбосари С.Қўшимовлар зиммасиға юклатилсин.

Янгибозор туман ҳокими



Ў.Курбанов